



МУҚАДДАМ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ФИКР МУЛОҲАЗАЛАР

Курбанов Мансур Нарбутаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси бошлиғининг ўринбосари,
подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14514872>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10- Dekabr 2024 yil

Ma'qullandi: 15- Dekabr 2024 yil

Nashr qilindi: 18- Dekabr 2024 yil

KEYWORDS

хуқуқбузарликлар
профилактикаси,
профилактика инспектори,
муқаддам судланган
шахслар, махсус
профилактика,
такомиллаштириш, чора-
тадбирлар, ҳуқуқий асослар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторлари муқаддам судланган шахслар ўртасида амалга ошириладиган махсус профилактикасини такомиллаштириш, муқаддам судланган шахслар ўртасида амалга ошириладиган махсус профилактикаси чора-тадбирларининг назарий ва амалий жиҳатлари, қонунчиликни қўллаш механизмидаги юзага келган муаммолар ечимига доир таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур» деб билдирган эътирозлари 2016 йил 16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилинишига асосий туртки бўлиб хизмат қилди. Қонуннинг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Мазкур йўналишлардан бири сифатида хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, хуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш алоҳида эътироф этилди. Бироқ ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги фаолияти эндигина ташкил этилмади, бу фаолиятни азалдан амалга ошириб келинган. Лекин собиқ Иттифоқ даврида жиноятчиликка қарши курашда бирламчи йўналиш тариқасида жиноятларни фош этиш ва айбдорларни шафқатсиз жазолаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу орқали шахсларда жазоланишга бўлган қўрқувни уйғотиш ва натижада ушбу қўрқув таъсири билан уларнинг жиноят содир этилишдан тийилишига эришилади деб ҳисобланган.

Ушбу масалага Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам ўзининг дастлабки сиёсий чиқишларида алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини

таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маърузада: «Биз «Адолат – қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор» деб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, ички ишлар органларининг бу борадаги фаолияти бўйича ўз муносабатини билдирди ва унинг долзарблигига барчанинг эътиборини қаратди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида эса ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир, хусусан, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ва бартараф этиш билан боғлиқ фаолиятини етарли эмас деб топди. Дарҳақиқат, айтилган вақтда профилактика инспекторининг муқаддам судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги йўналишларда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилади:

Биринчи йўналиш. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида келтирилган ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини тўлақонли рўёбга чиқарилишини таъминлаш механизмини яратиш. Мазкур қонунда ички ишлар органларининг зиммасига ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари лозим бўлган бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб, ушбу вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига ички ишлар органларининг мавжуд тизими, барча бўғини бирдай масъул саналадилар. Бироқ қонуннинг қабул қилинганига сал кам тўрт йил бўлишига қарамасдан ҳалигача ИИВнинг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти тўғрисида»ги буйруғининг қабул қилинмаганлиги ҳамда ҳар бир соҳавий хизматларнинг бу борадаги вазифаларини, шунингдек уларни амалга ошириш механизмини аниқ белгилаб берилмаганлиги ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги фаолияти қонун талабларига мослаштирилмаганлигидан далолат беради. Айнан шунинг учун ҳам ички ишлар органлари соҳавий хизматлар вакилларида уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир вазифалари сўралганида бу ҳақда тайинли жавоб беролмасдан, бу борада амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот тақдим этолмайди.

Шу боисдан, авваламбор, ИИВнинг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти тўғрисида»ги буйруғини қабул қилиш ҳамда унда ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг принципларига амал қилиш шартларини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури бўйича амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларни, хусусан, махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш асослари ва тартибини, шунингдек, унда назарда тутилган

махсус профилактик тадбирларнинг мақсади, мазмуни ва моҳиятини қисқача (ёки йўриқномага илова сифатида батафсил) ёритиш, ички ишлар органларида профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилишнинг асослари ва ягона тартибини, шунингдек, ушбу йўналишдаги фаолиятни назорат қилиш ҳамда ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усулларига доир электрон адабиётларни яратиш ва тарқатиш механизмига оид тартибларни, бу борада ҳар бир соҳавий хизматнинг вазифасини, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари кабиларни аниқ белгилаш талаб этилади.

Иккинчи йўналиш. Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этилишини таъминлаш механизмини яратиш. Бу борада биринчи ўринда, ҳуқуқбузарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят) содир этган, шунингдек улардан жабрланган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилади.

Бунинг учун биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги «Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги 39-сонли қарори да фақат маъмурий жазога тортилган шахслар ҳисобини юритиш фаолияти тартибга солинганлиги учун ушбу қарорга маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг ҳисобини юритишга, иккинчидан, Ички ишлар вазирлигининг «Жиноятларни ва уларни содир этган шахсларни дастлабки ҳисобга олиш ҳужжатларини тўлдириш ва тақдим этиш тартиби, жиноят ишлари, жиноятлар ҳақидаги материалларнинг ҳаракати ҳақида»ги йўриқномасига жиноятдан жабрланган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритишга доир тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ саналади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш механизмнинг тўлиқ ишлашини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан ёзма тақдимнома ҳамда хусусий ажримларнинг таъсири самарадорлигини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни нг «Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик» номли 196-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Учинчи йўналиш. профилактика инспекторининг муқаддам судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳамкорликдаги фаолиятини самарали ташкил этилишини таъминлаш. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий

ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз» , деб таъкидладилар. Ушбу даъват профилактика инспектори муқаддам судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳамкорликдаги фаолиятининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга ундайди. Ушбу жараёнда албатта, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг зиммасига вазифа юкловчи нормаларнинг талабларини, шунингдек ушбу ҳамкорликни Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжати билангина самарали ташкил этиш мумкинлигини инобатга олиш лозим ҳисобланади.

Тўртинчи йўналиш. профилактика инспекторининг муқаддам судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш фаолиятининг самарали ташкил этилишини таъминлаш. Маълумки, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу ўринда «ҳуқуқий тарғибот» ва «қонунчилик тарғиботи» тушунчаларига ойдинлик киритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. «Ҳуқуқий тарғибот» умумий тарғиботнинг бир йўналиши бўлиб, унда асосан аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига етказиш, шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсад қилиб қўйилади. «Ҳуқуқий тарғибот» тушунчаси «қонунчилик тарғиботи»га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги масалаларни тарғиб қилишни назарда тутаяди. Қонунчилик тарғиботи ҳақида сўз юритилганида бир масалага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади, яъни қонунчилик тарғиботи деганда, янги қабул қилинган қонунни ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатни фақат маълумот тариқасида етказилишини тушунмаслик керак, балки унинг мазмун-моҳиятини ички ишлар органлари ходимларига, аҳолига тўла-тўқис тушунтириб бериш назарда тутилади.

Шу ўринда ички ишлар органларининг ҳуқуқий тарғибот фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги йўналишда талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш лозим ҳисобланади: биринчидан, ҳуқуқий тарғибот субъектларига нисбатан қўйиладиган талаблар; иккинчидан, ҳуқуқий тарғиботни режалаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар. учинчидан, ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган орган, муассаса, ташкилот ёки жамоат тузулмаларига қўйиладиган талаблар; тўртинчидан, ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган «Маънавият тарғибот марказлари»га нисбатан қўйиладиган талаблар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ички ишлар органларининг профилактика инспекторининг муқаддам судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини етарлича тартибга солувчи ва самарали ташкил этилишини таъминловчи тўлақонли ҳуқуқий механизм етарлича мавжуд эмас. Шу боис ички ишлар органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини юқорида келтирилган йўналишлар бўйича муқаддам сурилган таклиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилиши биринчидан, профилактика инспекторининг муқаддам судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг зиммасига

қонун билан юклатилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминланиш, иккинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, бартараф этиш чораларини амалга оширишнинг самарали механизмини яратиш, учинчидан, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг зиммасига ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир аниқ вазифаларни юклаш, тўртинчидан, профилактика инспекторининг муқаддам судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳамкорликдаги фаолиятини самарали ташкил этиш, бешинчидан, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигига эришиш каби имкониятларни тақдим этиши билан аҳамиятга эга ҳисобланади.

